

**3-оят.** «Зинокор эркак факат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга факат зинокор эркак ёки мушрик уйланур».

Муфассирлар айтишади: Мухожирлар Мадинага келишганларида ораларида мол-мулки йўк камбагал кишилар ҳам бор эди. Мадинада эса ўз танасини ижарага берадиган-сотадиган бузук-фохишалар бор эди. Улар ўша вақтда яхши пул топишарди. Камбагал мухожирлардан айримлари уларнинг пул топишига, даромадига кизикиб: – Бизлар уларга уйланиб, токи Аллох улардан (уларнинг даромадларидан) беҳожат килгунича улар билан яшасак бўлмайдими? – дейишди ва Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан изн сўрашди. Шунда ушбу оят нозил бўлди ва бу оятда мўминларни химоя килиш учун Аллох зинокор аёлга уйланишни харом килди.

Икрима айтади: – Бу оят Макка ва Мадинадаги даволовчи фохиша аёллар хакида нозил бўлган. Уларнинг маконлари кўп бўлган. Улардан асосий байрокдорлари тўккизта эди. Уларнинг худди Байтор (от, мол, хайвонларни даволовчи табиб)нинг байрокларидек байроклари бор эди. Одамлар уларнинг байрокларини танишарди. Улар: Соиб ибн Соиб ал-Махзумийнинг жорияси Умму Махдум, Сафвон ибн Умайянинг жорияси Умму Голиз, Ос ибн Воилнинг жорияси Хайятул Кибтия, Ибн Молик ибн Аслама ибн Ас-Сибакнинг жорияси Мория, Сухайл ибн Амрнинг жорияси Жалола, Амр ибн Усмон ал-Махзумийнинг жорияси Умму Сувайд, Замаъ ибн Асваднинг жорияси Шарифа, Хишом ибн Робитанинг жорияси Корина ва Хилол ибн Анаснинг жорияси Фартаналардир. Жоҳилиятда уларнинг уйлари Мавахийр (фохишахоналар) деб номланарди. Уларга факатгина Каъба ахлининг зинокор-бузуклари, мушриклар киришган. Айрим мусулмонлар уларни даромад манбаи килиб олиш учун уларга уйланмокчи бўлишган. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди ва мўминларни бу ишдан кайтарди ва бу ишни уларга харом килди. Абдуллох ибн Умар (розияллоху анху): Умму Махдум исмли аёл фохишалик киларди. Унга уйланмокчи бўлган кишининг ейиш-ичиши, нафакасини ўз бўйнига олган эди. Мусулмонлардан бир киши унга уйланмокчи бўлди. Буни Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га айтган эди ушбу оят нозил бўлди. (Яъни ким менга уйланса, ўзим уни бокаман, – дерди).

**6-оят.** «Ўзларидан бошка гувохлари бўлмаган холида ўз хотинларини (бузук деб) бадном киладиган кимсалар – уларнинг хар бири ўзини шак-шубҳасиз ростгўйлардан деб Аллох номига тўрт марта гувохлик бериши (вожибдир)».

Икрима ибн Аббосдан айтади:

– Покиза аёлларни (бузук деб) бадном килган, кейин эса тўртта гувох келтиролмаган кимсаларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувохликларини қабул килманглар: улар фосик – итоатсиз кимсалардир. (Нур – 4) ояти нозил бўлгач, ансорларнинг саййиди Саъд ибн Убода: – Эй Расулulloх, худди шундай нозил килиндими? – деди. Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): – Эй Ансорлар жамоаси, саййидингиз айтган сўзни эшитмадингизми? – дедилар. Улар: – Эй Расулulloх, у – жуда рашкчи киши, Аллохга касамки, у факат бокира кизгагина уйланади. Рашкининг кучлилигидан бирор аёлини талок килса, бизлардан ҳеч ким унга уйланишга журъат килолмайди, – дейишди. Шунда Саъд: – Эй Расулulloх, албатта, мен бу оятнинг ҳақ эканини аниқ биламан. Албатт, у Аллохнинг хузуридан дир. Лекин мен

ажабландим: – Агар бир бузуки аёлни бир киши оёклари остига олиб ётганини кўрсам-да, токи тўртта гувоҳ топиб келмагунимча унга теголмасам, хайдолмасам? Аллохга касамки, мен тўртта гувоҳ келтиргунимча улар хожатларини ўтаб бўлишади-ку! – деди. Озгина вақтдан кейин Хилол ибн Умайя келди. У еридан кечаси ахлига кайтиб келди. Ахлининг хузурида бир кишини кўрди. Ўз кўзи билан кўрди, ўз кулоги билан эшитди. Эрталабгача унга индамади, хайдамади. Эрталаб Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га бориб: – Эй Расулуллох, мен ахлимга кечаси келиб, ахлим хузурида бир эркакни кўрдим. Ўз кўзим билан кўрдим, ўз кулогим билан эшитдим, – деди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) унинг гапини ёктирмадилар ва бу у кишига каттик таъсир килди. Шунда Саъд ибн Убода: – Энди Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Хилол ибн Умайяни (саксон дарра) урдирадилар ва мусулмонлар орасида унинг гувоҳлигини ботил киладилар, – деди. Буни эшитиб Хилол: – Аллохга касамки, мен Аллохдан ўзи менга бир йўл кўрсатишини умид киламан, – деди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га караб: – Эй Расулуллох, мен келтирган нарса сизга ёкмай, каттик таъсир килганини кўриб турибман. Лекин Аллох биладики, мен рост гапирдим, – деди. Шунда Аллохга касамки, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) уни дарралашга буюрмокчи бўлиб тургандилар, бирдан у кишига вахий келиб колди. У кишига вахий келса, одамлар буни у кишининг тери рангларининг ўзгаришидан, титрашларидан билишарди. Вахий тушиб тугагунича одамлар жим туришди. Шунда ушбу оятларнинг хаммаси нозил бўлди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларига келиб: – Хурсанд бўлгин, Эй Хилол, Аллох сен учун енгиллик ва (мушкулотдан чиқишга) йўл пайдо килди, – дедилар. Буни эшитиб Хилол: – Дархакикат, мен буни Роббимдан умид килган эдим, – деди.

Абдуллохдан: – Жума кечасида масжидда турган эдик. Ансорлардан бир киши кириб келиб: – Бир эркак ўз хотини билан бир эркакни кўриб колса-да, агар (шуни) айтса, уни дарралайсизлар, агар (ўлдирса) уни хам ўлдирасизлар. Агар жим бўлса, газоби билан (дарди ичида бўлиб) жим бўлади. Аллохга касамк, мен бу ҳақда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан, албатта, сўрайман, – деди. Эртаси кун эрталаб у Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га бориб шу ҳақда сўради: – Бир одам хотинини бир эркак билан кўрса, айтса, дарралайсизлар, ўлдирса, ўлдирасизлар, жим бўлса, газаб билан (дарди ичида бўлиб) жим бўлади-ку! – деди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): – Эй Аллохим, ўзинг ҳукм килгин, – дедилар ва дуо кила бошладилар. Шунда (лаънатлаш) ояти нозил бўлди. Одамлар орасида бир киши шу бало билан балоланди. Унинг ўзи ва аёли Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг олдиларига келиб, бир-бирларини лаънатлашди. Эркак ўзининг ростгўй эканлигига Аллох номи билан тўрт марта касам ичиб гувоҳлик берди. Сўнг бешинчисида агар ёлгончилардан бўлса Аллохнинг лаънати ўзига бўлишини айтиб касам ичиб ўзини лаънатлади. Кейин ўзига лаънат айтиш учун аёл келтирилди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): – Бас кил, – дедилар. У (хам худди эридек) лаънат айтди. У кетгач, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): – Эҳтимол, у кора, жингалак соч келтирар (тугар), – дедилар. Дархакикат, у кора, жингалак соч келтирди. Муслим ривояти.

**11-26-оятлар:** «Шак-шубҳасиз, бу бўхтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшиликдир. Улардан (яъни бўхтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи касб килган гуноҳ (га яраша жазо) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) каттасини

кўтарган кимса учун улуг азоб бордир».

12. «(Эй мўминлар), сизлар (бу бўхтонни) эшитган пайтингизда мўмин ва мусулмонлар бир-бирлари хакида яхшиликни ўйлаб: «Бу очик бўхтон-ку!» – десалар бўлмасмиди?!»

13. «Улар (яъни Оишани бадном килмокчи бўлганлар ўз даъволарига) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Энди агар гувоҳ келтира олмасалар, у холда Аллох наздида улар ёлгончидирлар».

14. «Агар сизларга дунё ва охиратда Аллохнинг фазлу мархамати бўлмаса эди, албатта, сизларни тинмай сўзлаган нарса – бўхтонларингиз сабабли улуг азоб ушлаган бўлур эди».

15. «Ўшанда сизлар уни тилдан тилга олиб, огизларингиз билан ўзларингиз аник билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб, ўйлар эдингизлар. Холбуки, у Аллох наздида улуг (гунохдир)».

16. «Уни эшитган пайтингизда: «Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўхтон-ку», – десангизлар бўлмасмиди?!»

17. «Агар мўмин бўлсангизлар, харгиз унга ўхшаган нарсаларга кайтмасликларингизни Аллох сизларга панд-насихат килур».

18. «Ва Аллох сизларга Ўз оятларини баён килур. Аллох илм ва хикмат сохибидир».

19. «Албатта, иймон келтирган кишилар ўртасида бузукликлар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллох билур, сизлар билмасиз».

20. «Агар сизларга Аллохнинг фазлу-мархамати ва Аллохнинг меҳрибон ва раҳмли экани бўлмаса эди (албатта, сизларга бу килмишларингиз учун азобни нақд килган бўлур эди)».

21. «Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, (шайтон) бузуклик ва ёмонликка буюрур. Агар сизларга Аллохнинг фазлу мархамати бўлмаса эди, сизлардан бирон киши (бирон гунохдан) пок бўлмас эди. Лекин Аллох (фазлу мархамати билан) Ўзи хохлаган кишини поклар. Аллох эшитгувчи, билгувчидир».

22. «Сизлардан фазл ва кенг-катта мол-давлат эгалари кариндошларга, мискинларга ва мухожирларга Аллох йўлида инфок-эхсон килмасликка касам ичмасин, балки уларни афв килиб, кечирсинлар! Аллох сизларни магфират килишини истамайсизларми?! Аллох магфиратли, меҳрибондир».

23. «Албатта, (бузук ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном киладиган кимсалар дунёда ҳам, охиртда ҳам лаънатга дучор бўлдилар. Улар учун улуг азоб бордир».

24. «У кунда – киёматда килиб ўтган (бўхтонлари сабабли уларнинг тиллари ҳам, кўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур».

25. «Ўша кунда Аллох уларнинг хакикий жазоларини комил килиб берур ва улар Аллохнинг аник-хак эканини билурлар».

26. «Нопок аёллар нопок эрлар учундир (яъни лойикдир), нопок эрлар нопок аёллар учундир. Покизиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир. Ана ўша (покиза эрлар ва покиза аёллар) уларнинг (яъни нопок эрлар ва нопок аёлларнинг) айтаётган бўхтонларидан покдирлар. Улар учун магфират ва улуг ризк (яъни жаннат неъматлари) бордир».

Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг завжалари Оиша (розияллоху анху): – Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) сафарга чиқишни хохласалар, аёллари ўртасида куръа ташлардилар. Куръа кимга тушса, ўша аёл Расулуллох (соллаллоху

алайхи васаллам) билан бирга сафарга чикарди. Бир газотда орамизга куръа ташланганида, куръа менга тушди. Мен Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) билан сафарга чикдим. Бу «Хижоб» ояти тушганидан кейин бўлган эди. Мен хавдажимга миндим (туяга ўрнатиладиган аёллар учун тахтиравон) ва сафар давомида шунинг ичида бўлдим. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) газотлари тугагач, кайтдилар ва биз Мадинага якинлашдик (йўлда дам олиш учун тўхтадик). Кечасида отланишга чакирилди. Йўлга отланишга чакирилганда мен туриб кўшиндан четрокка чикдим. Хожатимни ўтагач, карвонга кайтдим. Кўкрагимни ушлаб карасам, маржоним тушиб колибди. Кайтиб маржонимни кидирдим. Анча ушланиб колдим. Мени хавдажимни кўтарадиган гурух келиб, хавдажимни мен миниб юрадиган туяга ортиб кўйибдилар. Улар мени ўшанинг ичида деб ўйлашибди. Ўша вақтда аёллар енгил, этсиз, орик бўларди. Жуда оз таом ейишарди, шунинг учун одамлар хавдажни кўтариб ортишганда мени сезишмаган. Мен ёш кичкина кизалок эдим. Улар юкларни ортиб кетиб колишди. Кўшин йўлга чикканидан кейин мен маржонимни топдим-да, кайтиб келсам, у ерда ҳеч ким йўк экан. Мен ўзимни жойимга келиб ўтирдим ва одамлар мени йўкотиб кўйишганини билиб, кайтиб келишади, деб ўйладим. Мен ўрнимда ўтириб кўзим илиниб ухлаб колдим. Сафвон ибн Миътал Ассаламий Аззаквонтий кўшиннинг ортидан келарди. У кечаси йўлга тушиб эрталаб менинг олдимга етиб келди. Келиб ухлаб ётган кишининг корасини кўрибди. Менинг олдимга келиб мени таниди. Хижобга киришимдан олдин у мени кўрган эди. У мени таниб истиржо айтди. Унинг истиржосидан уйғониб кетдим. Юзимни жилбоб (катта мато) билан ёпдим. Аллохга касамки, у менга бирор сўз айтмади. Истиржосидан бошка бирор сўз эшитмадим. У туясини чўктирди. Туя чўккач, мен унга миндим. У туяни етаклаб йўлга тушди. Кўшин пешинги иссиқнинг бошланишида кийналишиб (дам олишга) тушишган пайтда етиб келдик. Мен ҳакимда одамлар гапиришди. Бўхтоннинг каттасини бошлаганларнинг бири Абдуллох ибн Убай ибн Салул эди. Мадинага келдик. Мен бир ой касал бўлиб колдим. Одамлар бўхтончиларнинг гапларини тўлиб-тошиб гапиришарди. Мен эса бирор нарсани сезмасдим. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) мен касал бўлсам, менга меҳрибонлик кўрсатардилар. Бу сафар шундай меҳрибонликни кўрмай шубҳага тушдим. У киши салом берардилар-да: – Ахволингиз қандай? – деб кўярдилар. Бу мени хафа қиларди. Токи тузалиб ташқарига чиккунимча ҳеч бир ёмонликни сезмадим. Умму Мистах ҳам мен билан бирга хажатхонага чикди. Биз факат кечасигина хожатга чикар эдик. Бу уйларимиз яқинида хожатхона қуришимиздан олдин бўлган эди. Хожат масаласида бизнинг ишимиз олдинги арабларнинг ишларидек эди. Ховлимизда хожатхона қурғунимизча биз кўп азиятланар эдик. Умму Мистах Абу Раҳм ибн Абдулмуттолиб ибн Абду Маннофнинг кизидир. Унинг онаси Саҳр ибн Омир Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху)нинг холасидир. Ўгли Мистах ибн Усоса ибн Ибод ибн Абдулмутталибдир. Мен ва Абу Раҳмнинг кизи Умму Мистах хожатимизни ўтаб уйимизга кайтдик. Шунда Умму Мистах кийимига илашиб қоқиб кетди-да: – Мистах хор бўлсин, – деди. Шунда мен унга: – Қандай ёмон гап айтдинг-а, Бадрда катнашган кишини ҳам ҳақорат қиласанми? – дедим. У: – Эй бечорагина, у нима деганини эшитмадингми? – деди. Мен: – Нима дебди? – дедим. Шунда у менга ифк ахлининг (бўхтончиларнинг) гапларини айтиб берди. Буни эшитиб касалим яна зиёда бўлди. Уйимга кайтгач, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) олдимга кирдилар ва ахволинг қандай? – дедилар. Мен: – Отам-онамникига боришимга изн берасизми? – дедим. Мен ота-онамдан хабарни яхшироқ билмокчи бўлдим. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) менга изн бердилар. Мен онамникига бориб: – Эй онажон, одамлар нимани гапириб юрибдилар? –

деб сўрадим. Онам: – Эй кизгинам, ўзингни тутгин. Аллохга касамки, эркакка ёкадиган аёлга азият етказувчилар кўп бўлади, унинг устидан кўп гапиришади, – деди. Буни эшитиб мен: – Субханаллох, одамлар шундай деб гапириб юришибдими? – дедим-да, шу кеча эрталабгача йиглаб чикдим, кўз ёшим тўхтамади, ухлолмадим. Йиглаган холда тонг оттирдим. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Али ибн Абу Толибни ва Усома ибн Зайдни чакириб улар билан ахлларида ажрашиш хакида маслаҳатлашдилар, шу вақтгача вахий келмай турган эди. Усома ибн Зайд Расулulloхнинг ахлларида покизалигини билгани учун, уларни яхши кўргани учун, Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)га: – Эй Расулulloх улар ахлингиздир, биз улардан факат яхшиликни биламиз, – деди.

Али ибн Абутолиб эса: – Аллох таоло сизни аёллардан сикмаган. Ундан бошка аёллар ҳам кўп, агар сиз хизматкор киздан сўрасангиз, у сизга ростини айтади, – деди. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Бурайрани чакирдилар ва: – Эй Бурайра, Оишадан сени шубхалантирадиган бирор нарса сезганмисан? – дедилар. У: – Сизни ҳақ билан юборган Зотга касамки, ундан бирор-бир ёмонликни сезганим йўқ. Факатгина у жуда ёш киздир, ҳамир килиб ухлаб колар эди, кўйлар, уй хайвонлари келиб ҳамирни еб кетар эди, – деди. Буни эшитиб Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) ўринларидан турдилар ва Абдуллох ибн Убай ибн Салулдан нима учун бундай қилганини сабабини сўрадилар. Минбарда туриб: – Эй мусулмонлар жамоаси, менга ахлим борасида азият етказган кишидан, ким узр олиб беради. Аллохга касамки, мен ахлимдан факат яхшиликни биламан, улар бир одамни зикр килибдиларки, мен ундан факат яхшиликни кўрганман. У ахлимнинг олдига факатгина мен билан киргандир, – дедилар. Шунда Саъд ибн Муоз Ал Ансорий туриб: – Эй Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам), мен сизга ўша одамдан узр олиб бераман. Агар у Авс кабиласидан бўлса, бўйнига ураман (ўлдираман). Агар ўша одам биродаримиз Ҳазраж кабиласидан бўлса, бизга нимани буюрсангиз, шуни киламиз, – деди. Шунда Ҳазражнинг саййиди Саъд ибн Маозга: – Ёлгон гапирдинг. Аллохга касамки, уни ўлдиролмайсан, ўлдиришга кучинг ҳам етмайди, – деди. У ўзи солих одамдир. Лекин шу пайтда унинг ҳамияти кўзиб кетди. Шунда Усайд ибн Хузайр турди. У Саъд ибн Муознинг амакисининг ўглидир. У Саъд ибн Убодага: – Ёлгон гапирдинг. Аллохга касамки, биз, албатта, уни ўлдираемиз. Сен мунофиксан, мунофикларнинг ёнини оляпсан, – деди. Шунда бу икки қабила Авс ва Ҳазраж кишилари галаён кўтаришиб, ўзаро уришишга чоғландилар. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) эса минбарда туриб уларни тинчлантиришга ҳаракат қилавердилар. Охири тинчишди. Шу куни ҳам менинг кўз ёшим тинмади, ухламадим. Ота- онам кўп йиги менинг жигаримга зарар етказди деб ўйлашди. Улар менинг олдимга ўтиришган эди, мен йиглаётган эдим, бир ансорий аёл киришга изн сўради. Мен унга изн бердим. У ҳам келиб мен билан бирга йиглаб ўтирди. Биз шу ҳолатда тургандик бирдан Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) кирдилар-да ўтирдилар. Мен ҳақимда гап-сўзлар тарқалганидан бери олдимда ўтирмаган эдилар. Бир ойдан бери мен ҳақимда у кишига бирор нарса вахий қилинмаган эди. У киши шаҳодат келтирдилар-да: – Аммо баъд, Эй Оиша, менга сен ҳақингда фалон-фалон сўзлар етди. Агар сен пок бўлсанг, Аллох сени тезда поклайди. Агар гуноҳ иш қилган бўлсанг, Аллогга истиғфор айт, тавба қил. Агар банда гуноҳини бўйнига олиб сўнг тавба қилса, Аллох унинг тавбасини қабул қилади, – дедилар. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) сўзларини тугатгач, кўз ёшларим окмай қолди. Хаттоки бир томчи ёшни ҳам сезмадим. Мен отамга: – Менинг ўрнимга Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг сўзларига жавоб беринг, – дедим. Отам:

– Аллохга касамки, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га нима дейишни билмаяпман, – деди. Кейин онамга: – Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га жавоб беринг, – дедим. Онам: – Аллохга касамки, нима дейишни билмаяпман, – деди. Шунда мен: – Мен кичик ёшли кизман. Куръондан кўп нарса ўқиёлмайман. Аллохга касамки, биламанки, сизлар буни эшитиб, бу гап калбингизга ўрнашиб колди ва сиз шунга ишондингиз. Агар мен сизларга: «Мен покизаман», десам, (Аллох билиб турибди мен покиза эканлигимни) менга ишонмайсизлар. Агар мен бирор гунохни бўйнимга олсам, (Аллох билиб турибди мен бундай гунохдан покизаман) сизлар бунга ишонасизлар. Аллохга касамки, мен билан сизларнинг мисоли факатгина Юсуфнинг отаси айтганидекдир: – «Чиройли сабр (киламан). Сизлар сифатлаётган нарсадан Аллохдан сўрайман», – дедим-да, ўгирилиб кўрпамга ўраниб олдим. Аллохга касамки, мен шу пайтда ўзимнинг покизалигимни билиб турардим. Аллох мени, албатта, поклашини ҳам билардим. Лекин Аллохга касамки, мен хакимда тиловат килинадиган оят нозил килишини ҳеч ўйламаган эдим. Ўзимча менинг ишим Аллох таоло мен хакимда тиловат килинадиган бир нарса сўзлаши олдида арзимас хакир иш эди. Лекин мен Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бир туш кўриб, шу тушда Аллох таоло мени окласа керак, – деб ўйлардим. Аллохга касамки, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўринларидан кўзгалмасларидан, уйдагилардан бирортаси чикмасидан туриб Аллох таоло ўз Пайгамбарига оят нозил килди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га вахий келгандаги огрикли холат содир бўлди. Хаттоки у кишидан тер маржондек ока бошлади. Худди киш кунларидек (ялтираб). У кишига нозил бўлган сўзнинг огирлигидан шундай бўлди. Вахий тугагач, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларига келдилар. Кулиб турдилар. Энг аввал айтган сўзлари ушбу бўлди: – Хурсандчилик, эй Оиша, Аллохга касамки, Аллох сени поклади, – дедилар. Шунда онам менга: – Тур-да у кишига (ташаккур айт), – деди. Мен: – Аллохга касамки, у киши учун турмайман, Аллох субханака ва таологагина шукр килиб, ҳамд айтаман. Мени поклаган Зот унинг Ўзидир, – дедим. Аллох таоло: «Бу бўхтонни вужудга келтирган кишилар...» ушбу ўнта оятни нозил килди. Аллох таоло менинг покизалигим хакида ушбу оятларни нозил килгач, (отам) Абу Бакр Сиддик: – Аллохга касамки, унга (Мистахга) ҳеч қачон, ҳеч нарса инфок килмайди. Оиша хакида айтган гапини айтгани сабабли, – деди. У киши Мистах кариндош бўлгани учун ва камбагаллиги учун унга инфок килиб юрардилар. Шунда Аллох таоло: «Сизлардан фазл ва катта мол-мулк эгалари кариндошларига...инфок килмасликка касам ичмасинлар...» оятини «Аллох сизни кечирини хохламайсизми?!» (Нур - 22) оятигача нозил килди. Буни эшитиб Абу Бакр: – Аллохга касамки, мен Аллох мени кечирини хохлайман, – деди-да, яна аввалгидек Мистахга нафака беришда давом этди. Абу Бакр: – Мен Мистахдан ҳеч қачон инфокни тарк этмайман, – деди. Бухорий ва Муслим ривояти.

**16-оят.** «Уни эшитган пайтингизда: «Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўхтон-ку!» – десангизлар бўлмасмиди?!»

Оиша (розияллоху анҳо) Урвага Ифк воқеасини сўзлаб бердилар, шунинг орасида шундай дедилар: – Абу Айюб ал-Ансорийга хотини: – Эй Абу Айюб, одамлар нима дейишаётганини эшитдингизми? – деди. У: – Нима дейишяпти? – деди. Хотини унга ифк ахлининг гапларини айтиб берди. У: – Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир, Эй пок Роббимиз, бу улуг бўхтон-ку! – деди. Шунда Аллох азза ва жалла ушбу оятни нозил килди.

Оиша (розияллоху анҳо)нинг озод килган кули Заквондан ривоят килинади: – Оиша

(розияллоху анхо) ўлим олдида ётгандилар. Хузурларида акаларининг ўгиллари Абдуллох ибн Абдурахмон бор эди. Зақвон ибн Аббос келиб киришга изн сўраганини айтди. Абдуллох ибн Абдурахмон: – Ибн Аббос келиб киришга изн сўрапти, у яхши фарзандларингиздандир (мусулмонлардандир), – деди. Шунда Оиша (розияллоху анхо): – Ибн Аббос ва унинг мактовларидан мени холи колдиргин, – дедилар. Шунда Абдуллох ибн Абдурахмон: – У Аллох азза ва жалланинг китобини ёдлаган коридир, Аллохнинг динида факихдир. Унга изн беринг, сизга салом берсин, сиз билан видолашсин, – деди. Оиша (розияллоху анхо): – Агар хохласанг, изн беракол, – дедилар. У киши изн бердилар. Ибн Аббос кириб, салом берди ва ўтирди-да: – Яхшилик, эй мўминларнинг онаси, барча азият ва кийинчиликлар кетиб, севиқли Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га ва у кишининг гурухларига етишингиз билан сизнинг орангизда рух жасадни тарк этиши бордир, холос. Сиз Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га аёлларининг энг суюқлиси бўлдингиз. У киши фақат покиза нарсаларнигина яхши кўрардилар. Аллох таоло етти кават осмон устидан туриб сизнинг покизалигингиз хақида оят нозил қилди. Ер юзидаги ҳар бир масжидда кечаю кундуз бу оят тиловат қилинади. Абво кечасида маржонингиз тушиб қолди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ва одамлар уни қидириб туриб қолишди ва сувсиз тонг оттиришди. Шунда Аллох таоло покиза тупроқ билан таяммум қилинлар... оятини нозил қилди. Сиз сабабли умумий барча инсонларга таяммумга рухсат бўлди. Аллохга касамки, Сиз муборак – баракотлидирсиз, – деди. Шунда Оиша (розияллоху анхо): – Эй Ибн Аббос, мени бу (мактовлардан) холи колдиргин. Аллохга касамки, мен унутган – унутилган бўлишни хохлардим, – дедилар.

**27-оят.** «Эй мўминлар, ўз уйлариңгиздан бошка уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизгача кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд, эслатма-ибрат олсангизлар».

Ибн Собитдан: – Ансорлардан бир аёл келиб: – Эй Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам), мен уйимда шундай ҳолатда бўламанки, ўшандай ҳолатда мени биров кўришини хохламайман. Отам ҳам, болам ҳам кўрмаслигини хохлайман. Лекин отам менинг олдимга кириб келади. Мен шундай ҳолимда ҳам оиламдаги эркаклар олдимга кириб келишаверади. Мен нима қилай? – деди. Шунда ушбу оят...нозил бўлди.

Муфассирлар айтишади: – Ушбу оят нозил бўлганида Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху): – Эй Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам), Шом йўлларидаги ҳеч ким яшамайдиган хоналар, масканлар хақида нима дейсиз? – деди. Шунда Аллох таоло: (Биров учун) маскан бўлмаган (мехмонхона, қарвонсарой каби) сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришингизга гуноҳ йўқдир... оятини нозил қилди.

**33- оят.** «Никоҳ (учун лозим бўлган мол-давлатни) топа олмаган кишилар то Аллох уларни Ўз фазлу қарами билан бой-бадавлат қилгунича ўзларини (ҳаромдан, зинокорликдан) пок тутсинлар! (Эй мўминлар) қўл остингиздаги қуллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни (яъни диёнат, иймонни) билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Аллохнинг сизларга ато этган молидан ато этинглар!...»

Бу оят Хувайтиб ибн Абдул Уззанинг гуломи – хизматкори Субайх исмли киши хақида нозил бўлган. У ҳожасидан битим тузишни сўради (яъни маълум миқдордаги пул эвазига озод қилиш битими). Ҳожаси Хувайтиб рози бўлмади. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил қилди. Кейин Хувайтиб битим тузиб, уни юз динор эвазига озод қилишга рози

бўлди. Кейин шу пулнинг йигирма динорини унга вахб (хадя) килди, (яъни кечди). Хизматкор пулнинг колганини адо килди (ва озод бўлди). Хунайн жангида ўлдирилди. Жобирдан: – Абдуллох ибн Убайнинг жорияси бор эди. У унга: – Бор, бузуклик килиб бирор нарса топиб кел, – дер эди. Шунда Аллох таоло: Никох (учун лозим бўлган мол-давлатни) топа олмаган кишилар то Аллох уларни Ўз фазлу карами билан бой-бадавлат килгунича ўзларини (харомдан, зинокорликдан) пок тутсинлар! (Эй мўминлар) кўл остингиздаги куллардан битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у холда агар сизлар уларда яхшиликни (яъни диёнат, иймонни) билсангизлар, улар билан битим тузинглар ва уларга Аллохнинг сизларга ато этган молидан ато этинглар!» оятини нозил килди.

Имом Муслим ривояти

Умар ибн Собитдан: – Ушбу оят Абдуллох ибн Убай ибн Салулнинг жорияси Муъоза хакида нозил бўлган. У муслима эди. Абдуллох уни бузукликка мажбурлар эди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

Жобирдан: – Абдуллох ибн Убайнинг Мусайка исмли жорияси бор эди. Уни фохишалик килиб (пул топишга) мажбур килар эди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

Муфассирлар айтишади: – Бу оят Муъоза ва Мусайка хакида нозил бўлган. Улар Абдуллох ибн Убай мунофикнинг чўрилари эди. Уларни пул топиб келишлари учун фохишаликка мажбурлар эди. Жохилиятда одамлар чўриларини шундай килишарди, ижарага беришарди. Ислом келгач эса Муъоза Мусайкага: – Биз килаётган иш агар яхшилик бўлса, биз яхшиликдан кўп килиб юбордик. Агар ёмонлик бўлса, уни тарк этиш вақти келди, – деди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

Мукотил: – Ушбу оят Абдуллох ибн Убайнинг олти чўриси хакида нозил бўлган. У уларни зинога мажбур килиб, улардан пул олар эди. Улар Муъоза, Мусайка, Амина, Амро, Урва Котилалардир. Уларнинг бири бир куни бир динор топиб келди. Бошқаси эса тополмасдан келди. Шунда Абдуллох ибн Убай уларга: – Боринглар, яна фохишалик килинглар, – деди. Шунда улар: – Аллохга касамки, килмаймиз. Аллох бизга Исломни келтирди, зинони харом килди, – дейишиб, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га бориб шикоят килишди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

Зухрийдан: – Бадр кунида бир курайшлик асир тушди. У Абдуллох ибн Убайникида асирликда эди. Абдуллохнинг Муъоза исмли чўриси бор эди. Курайшлик йигит уни хохлади. Киз мусулмон бўлгани учун ундан ўзини тийди. Абдуллох ибн Убай чўрисини курайшлик билан бирга бўлишга мажбурлар эди. Чунки бола тугилса, боланинг фидясини олар эди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килиб: – Мен бу чўриларни мажбурланган нарсаларини кечираман,– деди.

**48- оят.** «Қачон улар Аллох ва Унинг Пайгамбарига ўрталарида ҳукм чикариш учун чорлансалар, баногох улардан бир гурухи (Пайгамбар хузурига келишдан) юз ўгирувчидир».

Муфассирлар айтишади: – Ушбу ва бундан кейинги оят Бишр исмли мунофик хакида нозил бўлган. У бир яхудий билан ер борасида хусуматлашиб колди. Яхудий уни ораларида ҳукм килиши учун Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га боришга ундади. Мунофик эса уни Каъб ибн Ашраф ал Яхудийга боришга ундаб: – Мухаммад бизга адолатсизлик килади, – деди. Бу воқеа кассаси Нисо сурасидаги «Тогутга ҳукм сўраб бормокчи бўлдилар...» оятида охиригача батафсил баён килингандир.

**55- оят.** «Аллох сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар килган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътикодли) зотларни (ер юзига) халифа-хукмрон килганидек уларни ҳам ер юзида халифа килишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустахам килишни ҳамда уларнинг (ахволини Маккада кўрган) хавфу хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб кўйишни ваъда килди. Улар Менга ибодат килурлар ва Менга бирон нарсани шерик килмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) килса, бас, улар итоатсиз кимсалардир».

Абу Олиядан ушбу оят хакида: – Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) Пайгамбар бўлганларидан кейин Маккада ўн йил турдилар. Шу даврда у киши ва асхоблари одамларни Аллохга яширин ва ошкора даъват килиб кўркув ичида яшадилар. Сўнг Мадинага хижрат килишга буюрилдилар. Мадинада ҳам хавфда яшардилар. Эртаю кеч курол билан юрилди. Шунда асхоблардан бири: – Эй Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам), бизга бемалол, хавфсиз юрадиган, куролларни ташлайдиган кун келадими? – деб сўради. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): – Озгина вақтдан кейин сизлардан бирингиз катта жамоатнинг ичида бемалол, курол-ярогсиз ўтирадиган вақтлар келади, – дедилар. Ва Аллох таоло ушбу оятни нозил килди. Шундан кейин Аллох таоло ўз Пайгамбарини бутун Арабистон ярим оролига голиб килди. Асхоблар куролларни ташлаб, бемалол тинч-омонда бўлдилар. Аллох таоло Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)ни ўз хузурига олганидан кейин Абу Бакр, Умар, Усмон (розияллоху анхум)ларнинг халифалик вақтларида ҳам тинчлик- омонликда яшадилар. Бу холат токи одамлар Аллохнинг неъматига кофир бўлиб, килган ишларини килганларича давом этди. Кейин шу сабабли Аллох уларга кўркувни бериб кўйди. Улар ўзгаргандилар, Аллох уларни ўзгартириб кўйди.

Убай ибн Каъбдан: – Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ва асхоблари Мадинага келганларида ансорлар уларни багирларига олишди. Шу вақтда бутун араблар барчаси уларга карши бирлашишди. (Уларга карши хар хил усуллар билан уларни йўк килишга харакат килишарди). Асхоблар эса кечаю кундуз курол-ярог ва совут билан юришарди. Шунда улар:– Биз бемалол яшаб, хотиржам ухлайдиган, Аллох азза ва жалладан бошка хеч кимдан кўркмайдиган пайтлар келармикан? – дейишди. Шунда Аллох таоло ўз Пайгамбарига: – Аллох сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар килган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътикодли) зотларни (ер юзига) халифа-хукмрон килганидек уларни ҳам ер юзида халифа килишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустахам килишни ҳамда уларнинг (ахволини Маккада кўрган) хавфу хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб кўйишни ваъда килди. Улар Менга ибодат килурлар ва Менга бирон нарсани шерик килмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) килса, бас, улар итоатсиз кимсалардир. Хоким ривояти.

**58-оят.** «Эй мўминлар, кўл остингиздаги (кул ва чўриларингиз) ҳамда ўзларингизнинг балогатга етмаган (болаларингиз) уч вақтда (хузурингизга кириш учун) сизлардан из сўрасинлар – бомдод намозидан илгари, пешин вақтида (иссикдан) кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин. (Бу уч вақт) сизларнинг авратларингиз (очик бўлиши мумкин бўлган вақтлардир). Улар ўша (вақтлардан) сўнг (изн сўрамай киришларида) сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир. (Чунки) улар сизларга, бирингиз бирингизга келиб-кетгувчидирсизлар. Аллох оятларни сизларга мана шундай баён килур. Аллох билим ва хикмат сохибидир».

Ибн Аббос (розияллоху анху): – Пешин вақтида Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ансорлардан Мадлаж ибн Амр исмли болани Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху)ни чакириб келиш учун юбордилар. Бола Умарнинг олдига кириб уни шундай холатда кўрдики, Умар унинг кўришини ёқтирмаган холат эди. Шунда Умар: – Эй Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам), хохлардимки, Аллох бизга изн сўрашлик холатини кўрсатиб ўз буйруқларини берса, – деди. Шунда Алло таоло ушбу оятни нозил килди.

Мукотил: – Бу оят Асмо бинти Марсад хақида нозил бўлган. Уни катта ёшли гулом хизматчиси бор эди. Гулом Асмонинг олдига у ёқтирмаган вақтда кирди. Бундан Асмо Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га бориб: – Хизматчи-гуломларимиз биз ёқтирмайдиган холатимизда олдимизга киришяпти, – деди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

**61- оят.** (Жиходга чикмай қолишларида) кўзи ожиз кишига хараж-танглик йўқдир, чўлокка хараж йўқдир, хастага хараж йўқдир (яъни улар жиходга чикмаганлари учун айбланмас). (Эй мўминлар), сизлар ўз уйлариңиздан, ё оталариңизнинг уйлариңдан ё ога-инилариңизнинг уйлариңдан ё опа-сингиллариңизнинг ё амакилариңизнинг уйлариңдан, ё аммалариңизнинг уйлариңдан, ё тогалариңизнинг уйлариңдан, ё холалариңизнинг уйлариңдан, ё сизлар калитларига эга бўлган уйлариңдан, ё дўстиңизнинг уйидан (изн сўрамасдан) таомланишиңизда сизларга (гуноҳ йўқдир). Тўпланган ё бўлинган холлариңизда таомланишиңизда сизларга гуноҳ йўқдир. Бас, қачон уйлариңга кирсангизлар, бир-бирлариңизга Аллох хузуридан бўлган муборак покиза саломни айтиңглар (яъни «Ассалому алайкум», денглар), сизлар ақл юргизишлариңиз учун Аллох Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур».

Ибн Аббосдан: – Аллох таоло: «Моллариңизни оралариңизда ботил йўл билан емангиз» оятини нозил қилгач, мусулмонлар қасаллар, кўрлар, ногиронлар билан бирга овқатланишдан тийилишди. Аллох таоло молни ботил йўл билан ейишдан қайтарган, молниң афзали таом – овқатдир. Кўр одам таомниң яхши жойини кўра олмайди. Қасал киши эса таомга иштаҳаси бўлмай, еёлмайди, – дейишди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил қилди.

Саид ибн Жубайр ва Заххок: – Чўлок ва кўр одамлар соғлом одамлар билан бирга овқат ейишдан тийилишарди. Чунки одамлар улардан жирканишар ва бирга овқатланишни ёқтиришмасди. Мадина ахллари ҳам таомларига кўр, чўлок ва қасал кишилардан жирканишиб яқинлаштиришмасди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил қилди.

Мужоҳид: – Бу оят қасал, ногиронлар учун Аллох ушбу оятда қелтирган кишиларниң уйлариңдан таомланишга руҳсат бўлиб нозил бўлган. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)ниң асхоблари агар уйларида қасалларни таомлантиришга ҳеч нарса бўлмаса, уларни ота-оналариңизнинг ёки Аллох оятда номини зикр қилган кишиларниң уйларига олиб боришарди. Қасал-ногиронлар эса бу таомни ейишдан хижил бўлишарди. Чунки бу таомлар ўша уларни олиб борган кишиларниқ эмас эди. Уларни ўзлариңдан бошқаларниң уйларига олиб боришган эди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил қилди.

Ибн Шихоб: – Саид ибн Мусайб ушбу оят хақида гапириб юрардики: – Одамлар агар Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) билан бирга бирор ёққа чиқишса уйлариңизнинг калитларини кўрларга, чўлокларга ва қасалларга ёки қариндошларига ташлаб қетишарди ва: - Агар муҳтож бўлсангизлар уйимиздаги нарсалардан еңглар, – дейишарди. Улар эса ундан ейишдан тийинишарди ва: – Ўзлари шу нарсани чин юракдан

хохлаяптиларми ёки йўкми,– дейишарди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди. Шу оятдаги Аллохнинг: – Тўпланган ёки алохида холда таомланишингизда сизда гуноҳ йўқдир...

Кутода ва Заххок: – Бу оят Кинона кабиласидан Бану Лайс ибн Амр уруги хакида нозил бўлган. Улар якка бир киши овкатланишмасди. Хижил бўлишарди. Кўпинча бир киши ўтириб, эрталабдан кечкача таом олдида бўларди. Хамма ахвонлар тайёр турарди. Кечгача кутарди. Агар ҳеч кимни тополмасагина, ўзи ерди. Шунда Аллох таоло ушбу оятни нозил килди.

Икрима: – Бу оят ансорлардан бир кавм хакида нозил бўлган. Агар уларга меҳмон келса, факат меҳмон билангина таомланишарди. Меҳмонсиз ейишмасди. Аллох ушбу оятни нозил қилиб рухсат берди: Хохлаганларидай, хохласалар, жам бўлиб, халка қилиб, хохласалар, таркок, алохида есинлар.